

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА
ТАРБИЯЛАШДА МАЪНавий ТАҲДИДЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ
ОҚИБАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

Қулматов Норқобил Эшмаматович
катта ўқитувчи, ёшлар масалалари ва
маънавий-маърифий ишларбўйича декан ўринбосари
E-mail: norqobil.65@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоланинг мазмунида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида илм-фанинг ривожланиши асосида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий таҳдидларнинг заарли оқибатлари ва уларнинг олдини олишда таълим-тарбиянинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги баён этилади.

Калит сўзлар: Ўқувчи ёшлар, илм-фан, таълим, тарбия, ватан, ватанпарварлик, маънавият, таҳдид, маънавий таҳдид, мағкуравий таҳдид, ички маънавий таҳдид, ташки маънавий таҳдид.

**THE HARMFUL CONSEQUENCES OF SPIRITUAL THREATS
AND THE ROLE AND ROLE OF EDUCATION IN EDUCATING YOUNG
STUDENTS IN PATRIOTIC SPIRIT AND THEIR PREVENTION**

ABSTRACT

In the content of this article, based on the development of science in the educational system of our country, the harmful consequences of moral threats and the importance of education in their prevention are explained.

Keywords: Student youth, science, education, education, motherland, patriotism, spirituality, threat, moral threat, ideological threat, internal moral threat, external moral threat.

Тадқиқот ишининг долзарблиги:

Янги Ўзбекистон жамияти тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг, жумладан ўқувчи ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга этиши мамлакатимиз ривожланиш тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги глобаллашув жараёнлари ниҳоятда кескинлашиб бораётган бир пайтда ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида камол топтириб тарбиялашда,

уларнинг онги ва қалбига киришга уринаётган маънавий таҳдидларнининг зарарли оқибатларини олдини олишда таълим тарбиянинг ўрни ва роли бекиёсdir. Ўкувчи ёшларимизнинг бу борадаги энг асосий вазифаларидан бири бу ўтмиш аждодларимиз ва ота-боболаримиз қолдирган бой маънавий меросимизни изчил ўқиб-ўрганиш, англаш, қадрлаш ва шу билан бирга миллий, диний ва умуминсоний қадриятларни чукур англаганлари ҳолда, юксак илм-фан чўққиларини эгаллашлари лозим бўлади. Бу вазифа бугунги куннинг энг долзарб муҳим устувор масалаларидан бири бўлиб турибди. “Биз ўз олдимизга мамлакатимиизда Учунчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимииз керак. Бунда аввало, таълим-тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдиларига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”⁵⁸, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз”. Ота-боболаримиз ўрнини босадиган ўкувчи ёшларимиз айнан ана шундай билим ва қадриятлар асосида вояга етган тақдирдагина саводли инсонлар бўлиб, мафкуравий иммунитетлари кучли бўлиб, ҳар қандай кўринишдаги маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши тура оладиган етуқ комил инсонлар бўлиб вояга етадилар. Шундай экан биз танлаган “Ўкувчи ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда маънавий таҳдидларнинг заарли оқибатлари ва уларнинг олдини олишда таълим-тарбиянинг ўрни ва роли” мавзуси бугунги кун учун энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Муаммони ҳал қилиш йўллари:

Аввало комил инсон тўғрисидаги назария ва услибиёт методологик жиҳатдан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясида, “Таълим тўғрисида”ги қонунда, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва бошқа бир қатор ҳужжатларда ҳар томонлама кенг ва мукаммал ишлаб чиқилган. Маънавияти бой, юксак ахлоқий, маънавий ва жисмоний

⁵⁸ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 2020 йил декабрь

фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган инсонгина комил инсон бўла олади. Бугунги кунда ҳаммамизга яхши маълумки, дунёдаги ҳар қандай давлат, ҳар бир миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи ўринда, ўзининг юксак маънавиятли фуқаролари, ўқувчи ва талаба ёшлари билан кучлидир. Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон, нафс хуружини, моддий лаззатларга бўлган мойиллик ожизлигини енга оладиган инсондир. Инсонни комил инсон ва мукаррам инсон мартабасига кўтариш унинг маънавиятини юксалтириш демакдир. Ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса у шунчалик умрбоқийдир.

Таклиф ва тавсиялар:

Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш эса ҳозирги даврда Янги Ўзбекистон давлатимиз сиёсатининг диққат марказида турганлиги билан изоҳланади. Таълим-тарбия ўқувчи ёшларимизнинг онглилик, билимлилик даражасини бойитадиган энг муҳим омил ҳисобланади. Бугунги глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда давлатимиз фуқароларининг ва ўқувчи ёшларимизнинг тинч осуда ҳаётларига жиддий хавф solaётган бир қанча таҳдидлар мавжуддир. Аввало, “таҳдид” ҳақида: “таҳдид” тушунчаси тўла маънода сиёсий лексиконга Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов томонидан 1994 йил 22 сентябрда, Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида биринчи бор киритилган эди. Шундай экан, мамлакатимизда таҳдид ва уни бартараф этишнинг илмий ва амалий асосларини очиб бериш, уларни чуқур таҳлил қилиш бевосита И.Каримов номи билан боғланган. “Таҳдид” ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётий фаолиятини издан чиқаришга, умуман яшашни чигаллаштиришга қаратилган худудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади. Бундан ташқари қадимги тарихий ёзма манба ҳисобланган “Авесто”нинг “Видевот” китобида таҳдид ҳақида жумладан шундай дейилади: “Агар инсон қўлига қурол олса, бу таҳдиддир. Агар шу қурол билан (хавф солиб) ўқталса бу хужумдир”.⁵⁹ Таҳдидлар турли-туман: ички ва ташқи, катта ва кичик, макон нуқтаи назаридан эса узоқ ва яқин бўлиши мумкин. XX аср охири ва XXI аср воқеалари шундан гувоҳлик бериб турибдики, таҳдидларни тоифалашда уларни шартли равишда – иқтисодий, ижтимоий (социаль), сиёсий, экологик, демографик, ҳарбий, табиий,

⁵⁹ Авеста: «Видевот» китоби. Тошкент.: ТошДШИ нашриёти, 2007 йил, 27-бет

иқлимий, маънавий ва мафкуравий таҳдидларга ажратиб кўрсатишимииз мумкин. Ташқи маънавий таҳдидларга – Ўзбекистонимизнинг давлат чегарасини ташқарисидан кириб келувчи таҳдидлар, жумладан диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шоввинизми ва агрессив миллатчилик, наркотик савдоси, халқаро терроризм, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ғарб оммавий ахборот тизимлари, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва бошқалардир. Ички маънавий таҳдидларга эса ўз ватанига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, ҳатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, ён атрофидагиларни менсимаслик, ватандошининг хаққига хиёнат қилиш, “маънавий миграция” яъни (бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга юртлардан қидириш, одамларни бой-камбағалга бўлиб муомила қилиш, порахўрлик, коррупция, қўполлик, ашаддий миллатчилик, ортиқча мол-дунёга хирс қўйиш, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ватанимиз тараққиётининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ички маънавий таҳдидлардир. Бу ички таҳдидларқанчалик кўп тарқалса ўқувчи ёшларимизнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пораканда қилади, ҳамжиҳатликка путур етади. Дунёning мафкуравий манзараси кескин ўзгариб бораётган, глобаллашув жараёнлари шиддат билан жадаллашиб кетган бугунги кунда янги Ўзбекистон ўқувчи ёшларининг онги ва қалбига хуруж қилишга уринаётган таҳдидлардан бири, бу, маънавий таҳдидлардир. Маънавий таҳдидлар маънавий тарбияни издан чиқаришга қаратилган асосий хавф-хатарлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов бу хақида ўз даврида шундай фикр билдирган эди. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”⁶⁰.

Кутилаётган ижтимоий самара(натижа):

Турли мафкуравий таҳдидларнинг халқимиз миллий, маънавий, диний томирларига болта урушини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз, қабих мақсадларни қўзлашини, мана шу аччик ҳақиқатни жамиятимиздаги ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она, ҳар бир ўғил-қизларимиз чуқур англааб олишлари зарурлигини бугунги кунда ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бундай маънавий таҳдидларнинг олдини олиш учун оиласда ота-оналаримиздан, таълим муассасаларида устоз-мураббийларимиздан хушёрликни йўқотмаслик, ўқувчи ёшларимиз тарбиясида асло бепарво бўлмасликлари қатъий талаб қилинади. Ўз

⁶⁰ И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: Маънавият, 2008 йил, 110-бет

навбатида жамиятдаги маънавий таҳдидларга қарши туриш учун юртимиз фуқаролари ва ўқувчи ёшларимиз ўз аҳилликлари ва бирдамлик сақлаб, миллий манфаатлар йўлида қатъият билан, хушёр туришлари лозим бўлади. Бу жараёнларнинг амалга оширилишида олий таълим муассасалари ходимларининг фаолиятларидаги масъулият ва фидойилик ҳиссининг аҳамияти аниқ-равshan бўлади. Олий таълим муассасалари ходимлари ўқувчи ва талаба ёшларимиз тақдирлари учун жавобгар шахс, керак бўлса, тинчлигу-ҳаловатидан воз кечиб фаолият олиб боришлари керак бўлади Ўқитувчи-мураббий талаба ёшлар билан қанчаик яқин бўлса, бу нарса уларнинг тарбиясига ҳам шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики ўқитувчи-мураббий тўрт йил давомида ўзи устозлик қилаётган гуруҳларга маъруза ўқийди-ю, аммо бирор марта ҳам ўша гурухдаги ўқувчи-талаба ёшларнинг яшаш турмуш тарзи билан қизиқмаган, ёки кам эътибор берган бўлиб чиқади. Бундай ҳолатларда эса ўқувчи ва талаба ёшлар орасида бир қолипга тушиб қолишлиқ, ҳаётдан зерикиш, боқимандалиқ, давлат ҳокимиятининг бошқарув тизимиға ишончсизлик, ўз хуқуқ ва эркинликларини яхши билмасликлари натижасида ўз ижтимоий ҳолатидан норозилиги, бойлик ортидан қувиши оқибатида енгил даромад топишга иштиёқмандлик, ўз манфаатини давлат ва бошқақалар манфаатидан устун қўйувчи, маънавий қашшоқ, фақат бугунги кун дарди билан яшовчи, келажагини кўра олмайдиган, ижтимоий-сиёсий жараёнларга мутлақо бепарво ва бефарқ, тушкун кайфиятдаги кўринишлар ҳам учраб туради. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун авваламбор устоз-ўқитувчи ўз фаолияти давомида қуидаги жиҳатларга дикқат-эътиборини қаратиши лозим бўлади.

–устоз-ўқитувчи ўзи таълим-тарбия бериб келаётган гуруҳлардаги ҳолат, шарт-шароитлар, муаммолар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишикерак.

–маънавий-маърифий ишларга алоқадор ҳар қандай чора-тадбир, учрашув ва давра сұхбатлариданбоҳабар бўлиши керак.

–кутубхона, турли хил тўгараклар ишини янада жонлантиришга доимий эътиборини қаратиши керак.

–шарқона удумларимиз, қадриятларимизни жонлантиришга қаратилган турли-туман тадбирлар уюштириб туриши керак.

ХУЛОСА

қилиб шуни айтишимиз мумкинки ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади. Тарихдан шу нарса маълумки барча замонларда ҳам маънавияти кучли, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам миллат ва элатлар бир тану бир жон бўлиб, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларни, у ташқаридан келадиган ташқи таҳдид бўладими ёки ички таҳдид бўладими қатъий назар, тез ва соз бартараф этган. Мафкуравий, маънавий бирлиги ичидан ёки ташқаридан

бузилган миллат ва элат эса мағлуб бўлиб, мустамлакага айланган. Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол ғояси ва мафкураси ҳар қандай кўринишдаги ташқи ва ички маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган ғоявий қурол, маънавий мезон бўлиб, ўқувчи ёшларимизга миллий ўзликларини англашларида, тарихий-сиёсий воқеликларни тўғри англаб етишларида дастуриламал бўлиб хизмат қиласди. Зотан, улуғ бобомиз ҳазрат мир Алишер Навоий айтганларидек:

Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен
Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-11-Ф-5847сон фармони.
4. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: Маънавият, 2008 йил, 110-бет
5. Авеста: “Видевдот” китоби. Тошкент.: ТошДШИ нашриёти, 2007 йил, 27-бет